Ўзбекистон Республикаси

МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТ ШАКЛИДАГИ

"AUDIT-HISOB MARKAZI"

АУДИТОРЛИК ТАШКИЛОТИ

Манзил: Қашқадарё вилояти, Қарши шаҳри 180100, Мустақиллик шоҳкўчаси, 2-уй, тел: +99891-4603010
Лицензия: Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 02.04.2019 й даги 00762-сон лицензиясига эга

«MINORA QURISH EKSPEDITSIYASI» АЖ нинг
2019 йил 31 декабрь ҳолатидаги молиявий хисоботига

ИЗОҲЛАР БИЛАН ФИКР БИЛДИРИЛГАН
АУДИТОРЛИК ХУЛОСАСИ

Буюртмачи «MINORA QURISH EKSPEDITSIYASI» АЖ
СТИР рақами 200 697 734
Манзили Қашқадарё вилояти, Қарши шаҳри, Қарши-Косон йўли, 8-км.

Мен, МЧЖ «AUDIT-HISOB MARKAZI» аудиторлик ташкилоти (Қашқадарё вилояти, Карши шаҳри, Мустакиллик шоҳкўчаси, 2-уйда жойлашган, СТИР рақами 203 798 660, ОКОНХ коди 84400, Банк ТИФ Миллий банки Қашқадарё филиали МФО коди 00150, Х/р 20208000104153882001) аудитори (директор) Эргашева Зебо Эшмурадовна (аудитор малака сертификати рақами № 05486, санаси 09.06.2017 й.) томонидан **«MINORA QURISH EKSPEDITSIYASI» АЖ** нинг баланс молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботдан иборат 31.12.2019 йил ҳолатидаги молиявий ҳисоботининг ишончлилигини мажбурий аудиторлик текширувидан ўтказдим.

Хўжалик юритувчи субъект раҳбариятининг жавобгарлиги

Хўжалик юритувчи субъект раҳбарияти бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ молиявий ҳисоботнинг тайёрланиши ва ҳаққонийлиги хамда ички назорат тизими учун жавобгардир.

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги ўтказилган аудиторлик текширувига асосан ушбу молиявий хисобот юзасидан фикр билдиришдан иборат. Биз **«MINORA QURISH EKSPEDITSIYASI» АЖ** нинг илова қилинган молиявий ҳисоботини аудиторлик текширувидан ўтказдик. Аудиторлик текшируви молиявий ҳисобот ва бошка молиявий ахборотлар барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқлиги ва ҳаққонийлигини баҳолашдан иборат.

Биз аудиторлик текширувини Аудиторлик фаолиятининг миллий стандартларига мувофик ўтказдик. Ушбу стандартлар молиявий хисобот жиддий бузиб кўрсатишларга эга эмаслигига етарли даражадаги ишончга эга бўлишни таъминловчи аудиторлик текширувини режалаштиришни ва ўтказишни тақозо этади.

Аудиторлик текшируви аудиторлик далилларини олишга йўналтирилган аудиторлик амалларини ўтказишни ўз ичига олади. Аудиторлик амалларини танлаш бизнинг мулоҳазамизнинг предмети хисобланади. Аудиторлик текшируви давомида олинган аудиторлик далиллари молиявий ҳисобот ишончлилиги тўғрисида фикр билдириш учун етарлича асослар беради деб ҳисоблаймиз.

Бизнинг фикримизча, махсус қисмда қайд этилган изоҳлар билан фикр билдириш учун асос бўладиган вазиятлар натижасида, бизда аудиторлик ташкилоти фикрини ифодалаш учун асосларни таъминловчи етарлича аудиторлик далиллари мавжуд.

Изоҳлар билан фикр билдириш учун асос

Жамиятнинг 2019 йил 31 декабр ҳолатида дивидендлар бўйича тўлов муддати ўтган қарздорлиги 48908,0 минг сўмни ташкил этади. Ушбу ҳолат молиявий ҳисоботдаги бузиб кўрсатишларнинг таъсирини баҳолаш учун ўрнатилган муҳимлилик даражасига таъсир кўрсатмайди.

Изоҳлар билан фикр билдириш

Бизнинг фикримизча, изоҳлар билан фикр билдириш учун асос буладиган баён этилган вазиятларнинг молиявий ҳисоботга таъсиридан ташкари, **«MINORA QURISH EKSPEDITSIYASI» АЖ** нинг 2019 йил 31 декабрь ҳолатидаги молиявий ҳисоботи бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофик барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича унинг молиявий-хўжалик фаолияти натижаларини ва молиявий ҳолатини ҳаққоний акс эттиради.

Аудиторлик ташкилоти раҳбари,
аудитор : З.Эргашева

2020 йил 18 май